

«Қаршиермопласт» заводиди эллик хилдан зиёд маҳсулот тайёрланмоқда. Хусусан, турли ҳажмдаги энгил полиэтилен қуурларни мамлакатимиздаги кўплаб қурилиш ва саноат корхоналари бажону дил сотиб оляпти.

(ЎзА)

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 16 август, шанба № 127 (1552)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## «ҚАШҚАДАРЁ: ИСТИҚЛОЛ АРАФАСИДА»

«Маънавият» нашриёти таниқли олим ва ёзувчи, публицист Поён Равшановнинг «Қашқадарё: истиқлол арафасида. 1986-1989 йиллар» китобини нашрдан чиқарди.



ри унга бевосита гувоҳ бўлган, Исрол Каримов билан ёнма-ён ишлаган одамларнинг жонли хотиралари орқали баён этилган.

1986 йили республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари - Давлат план комитети раиси бўлиб ишлаётган Исрол Каримовнинг Қашқадарё вилоятига жўнатилиши ва бу воқеанинг ўзига хос тарихи, воқеадаги маънавий иқлимни, ҳўжалик ҳаётини яхшилаш, одамларнинг қаддини кўтариш ва уларни бунёдкорликка сафарбар этиш билан боғлиқ оғир ва сермашаққат жараёнлар китобда ўзининг ҳаққоний ифодасини топган.

«Тарихчилар билан учрашувда вилоятимиз раҳбари,

дунёни гўзаллик қутқаради деган машҳур фикрга қўшимча қилиб, инсонни яхшилиқ қутқаради, дегани ёдимда, - деб ёзади китоб муаллифи. - Бу гоат чуқур маъноли гап вилоят раҳбарининг ҳаёти, раҳбарлик фаолияти маъно-мазмунини ифода этарди. У ўзининг ана шу ҳаётий принциплардан келиб чиқиб, одамларнинг турмуш шарт-шароитини яхшилаш, уларга гамхўрлик кўрсатишга, оддий халққа ҳамдард бўлиб яшашга асосий эътиборни қаратди».

Китобдан ўрин олган тарихий суратлар ўша давр руҳини ёрқин ифода этади. Бундан қарийб ўн беш йил муқаддам Қашқадарё заминиди амалга оширилган кенг кўламли ишлар ҳақидаги эсдаликларни ўқир экансиз, бу кунларга осонликча етиб келмаганимизни, озодлигимиз, истиқлолимиз қандай матонатли, тенгсиз курашлар билан қўлга киритилганини янада чуқурроқ ҳис этаёсиз. Кечаги кунимизни англашда, тарихни ҳаққоний ифода этишда бундай хотираларнинг аҳамияти беқиёс эканига иқрор бўласиз. Шу маънода, ушбу китобнинг мустақиллик тарихимизни ўрганиш борасиди аҳамияти беқиёсдир.

Китоб Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент шаҳар матбаа комбинатиди чоп этилган.

(ЎзА)

## «ОИЛА»ДА

барча шарт-шароитлар етарли

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг «Оила» соғломлаштириш марказиди кундузги болалар стационари очилди. Унда кам таъминланган оилаларнинг уч ёшдан ўн икки ёшгача бўлган фарзандлари тиббий текширувдан ўтказилмоқда.

Болалар «Оила»да белгил малакали тиббий кўриқдан ўтказилади, - деди марказ директори Лариса Ионина. Бунинг учун барча шарт-шароитлар етарли. Хусусан, марказимизда зарур тиббий ускуналар ва таъхис жихозлари мавжуд. Болаларга педиатр, терапевт, кардиолог ва бошқа ихтисосликдаги шифокорлар хизмат кўрсатмоқда.



«Оила»да барча шарт-шароитлар етарли. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг «Оила» соғломлаштириш марказиди кундузги болалар стационари очилди.



Риштон туманидаги аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи корхона ва тadbиркорлар уюшмасиди айни кунларда 170 нафар киши меҳнат қилмоқда. Мазкур уюшма таркибиди 68 та шохобча мавжуд бўлиб, уларда бичиш-тиқиш цехи, сартарошхона, гўзаллик салонлари, кулчилик устахоналари ҳамда бошқа пуллик хизмат кўрсатиш бўлимлари аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Шу билан бирга мазкур уюшмада янги иш ўринлари яратишга ҳам алоҳиди аҳамият берилмоқда. Шу боисдан жорий йилда 80 нафар янги иш ўринлари яратилди.

Суратларди: бичиш-тиқиш цехи ҳаётидан лавҳалар. Фулон хидиров олган суратлар

## СПОРТ ИНШОТЛАРИ-БОЛАЛАР ХИЗМАТИДА

Беруний туманида болалар спортини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда.

- Бугунги кунда етти та мактабнинг спорт заллари қайта таъмирланишга муҳтож эканилиги аниқланди. Бу мактабларга хомийлар кенгаши тарафидан ташкилотлар бикритилиб, таъмирлаш ишлари янги ўқув йилга битказилади, - деди туман ҳокимлиги болалар спорт базаларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича етакчи мутахассиси Фарход Собуров. - Туманимиздаги аҳоли зич жойлашган «Қиётобод» ширкат хўжалиги худудиди замонавий болалар спорт мажмуи учун махсус ер ажратилди. Хозирги кунда ер текисланиб, футбол, волейбол ва баскетбол майдончалари қурилмоқда. Югуриш йўлакчаларига асфальт ётқизиш ишлари олиб борилмоқда.

Мутахассиснинг таъкидлашича, бундан ташқари, тумандаги «Тўқимачи» маҳалласи худудиди ташландиқ ерда футбол, «Хоразм» маҳалласи худудиди кўп қаватли уйлар орасиди волейбол майдончалари қурилиб, болалар ихтиёрига топширилди.

## ФЕРМЕР СОВРИНИ УЧУН

Кораўзак туманида таниқли фермер ва полвон, Ўзбекистон спорт устаси, Қорақалпоғистон чемпиони Жумабой Низанов соврини учун миллий кураш бўйича республика биринчилиги бўлиб ўтди. Мусобақада Кораўзак, Тахтақўпри, Чимбой, Кейғали ва Хўжайли туманларидан полвонлар қатнашди.

Мусобақа якунида Кораўзак тумани полвонлари умумжамоа ҳисобиди биринчи ўринни эгаллади. Кейғали тумани болалар-ёш ўсмирлар кураш мактабининг мураббийси Мурод Болтинбаев мусобақанинг мутлақ ғолиби бўлди. Мурода полвон фермернинг махсус соврини топширилди.

«Туркистон-пресс»

## Ҳашар - элга ярашар ГҮЛЗОРЛАРГА БУРКАНГАН МАСКАН

Йўлингиз тушиб, Бекобод тумани бориб қолсангиз, биофабрикага бир қиринг, барча рангларни ўзиди акс эттирган гулзорлари кўриб кўнглингиз ёришиб, кайфиятингиз кўтарилади. Шундай гулзорлари яратган кишиларга тахсинлар айтилас.

- 46 кишилик жамоамиз, - дейди касабани уюшма ташкилотининг раиси Раҳматилла Нурбеков, - ободончилик ишларига катта аҳамият бермоқдамиз. Эрта баҳордан то кеч кузгача тез-тез ҳашар ташкил этилиб, мевали дархатлар, гулзорлар парвариш қилинади.

Зараркунданларга қирон келтирувчи фойдали ҳашаротларни еттиштиришга мослаштирилган ушбу жамоа хозир энг масъулиятли даamlарни бошдан кечирмоқда. Айни ҳоғда туман хўжалиқларига кўсак курти, шира ва бошқа касалликларга қарши «Трихограмма», «Олтинкўз», «Хабробракон» каби ҳашаротлар етказиб берилмоқда. Натжидада кимматбаҳо, захарли кимёвий моддалардан фойдаланишга эҳтиёж қолмапти.

Жамоа аъзолари ўз вазифаларини пухта бажариб бориш билан бирга мириқиб дам олишни ҳам билдиллар. Хар йили мавсум охирида республикамизнинг хушманзара жойларига, тарихий шаҳарларига саёватлар уюштирилади, профилактиқориди саломатликларини тиклаб, дам олиб келдилар.

Биофабрикада олиб борилаётган ишлар билан АҚШ ва Ҳиндистон олимлари қизиқиб қолдилар. Уларнинг вакиллари келиб, бу ерда табиатга, атроф-муҳитга, демак, одамларга зарар етказмасдан табиатни асраш борасиди олиб борилаётган ишлар билан танишиллар. Ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш ҳақида таклифларини билдирдилар.

Темур ХАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири.

## МАРКАЗ ДОРИ-ДАРМОН СИФАТИНИ АНИҚЛАЙДИ

Илгарилари дори-дармонларни экспертизадан ўтказиш учун республикада поштахотига юборилар эди. Бу эса ўз навбатида бу иш билан шуғулланувчилар учун қийинчиликлар туғдилар эди. Шу боис Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ва соғлиқни сақлаш бошқармаси ташаббуси билан Қаршида дори-дармонлар яроқчилиги ва сифатини аниқлайдиган янги марказ очилди. Бухоро, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари истеъмолчиларга хизмат қиладиган биони таъмирлаш ва ишга тушириш учун 11 миллион сўм маблаг сарфланди. Германия,

Австрия ва АҚШда ишлаб чиқарилган қиймати 140 миң АҚШ доллари турадиган энг замонавий ускуналар билан жиҳозланди. - Марказда ўрнатилган асбоб-ускуналар тўрт миңдан ортиқ дори воситалари сифатини аниқлаб беради, - дейди биз билан суҳбатда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиги, тиббиёт фанлари доктори, профессор Раҳматулла Раҳмонов. - Эндиликда хориждан келтирилган дорилар шу жойининг ўзиди лаборатория таҳлилдан ўтказилиб, сотувага чиқарилади.

Ёлқин

## 15 август - Ҳиндистон Республикаси мустақиллик кунин

### ЭЛЧИХОНАДАГИ УЧРАШУВ

Ҳиндистоннинг Тошкентдаги элчиҳонасида мазкур мамлакатнинг мустақиллик кунига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Факултетада ва мухтор элчиси Шарат Сабақаров маросимни очар экан, меҳмонларга ўз юртининг шонли тарихи, Ҳиндистонликларнинг бугунги ҳаёти ҳақида сўзлаб берди.

15 август Ҳиндистон Республикаси ҳаётидаги кутлуг санандир. Бундан 56 йил муқаддам пойтахт Деҳлидаги Қизил қалъада Ҳиндистоннинг миллий байроғи илк бор кўтарилди. Бу мамлакат истиқлолга эришганлигининг ифодаси эди.

Ҳозир Ҳиндистон - жаҳон ҳамжамиятида катта нуфузга эга мамлакат. Қадим цивилизация бешикларидан бири бўлиши бу замин ўзининг бой маданий меросига эга. Ҳиндистон иқтисодиёт, илм-фан, юқори тех-

нология ҳамда бошқа кўплаб соҳаларда катта ютуқларга эришмоқда. Кейинги пайтда мамлакат коиноти тадқиқ этиш, ахборот ва коммуникация технологиялари ҳамда биотехнология соҳасиди жиҳдий муваффақиятларни қўлга киритди.

Ҳиндистон ер майдони жиҳатидан жаҳонда еттинчи ва аҳоли сони жиҳатидан иккинчи ўринда туради. У дунёнинг кўплаб мамлакатларига, жумладан ривожланган мамлакатларга ҳам юқори малакали кадрларни етказиб бермоқда.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасиди дўстлик алоқалари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Мамлакатларимиз ўртасиди турли соҳаларни қамраб олган ҳамкорлик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

(ЎзА)

## ҚИРГИЗИСТОН ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ТАШРИФИ

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан 15 август кунин Қирғизистон Республикаси Бош вазирини Николай Танаев раҳбарлиғиди ҳукумат делегацияси амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Уткир Султонов раҳбарлиғиди делегация билан бўлиб ўтган музокарада икки мамлакат ўртасиди давлат чегараларининг делимитацияси билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Томонлар бу борада келгусиди амалга ошириладиган ишларни ташкил этиш борасиди фикр алмашди.

Икки давлат ўртасиди чегара узунлиги 1200 километр масофани ташкил қилади. Ҳозирги пайтгача унинг асосий қисми белгиланган ва расмийлаштирилган. Музокарада икки мамлакат ўртасиди давлат чегараларини делимитация қилиш ишларини ниҳоятга етказиш борасиди зарур чоралар белгилаб олинди. Шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашди.

Музокара якунида икки мамлакат ҳукумат делегациялари раҳбарлари муҳокама этилган масалалар юзасидан якуний протоколга имзо чекди.

(ЎзА)

## Хат йўлга чорлади

биноан хўжалик вакиллар йиғилишининг қарори билан берилган.

- Ўғлимиз Набижон кишилоқимиздаги эски мактаб биносини сотиб олиб, таъмирлаб аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мақсадида эди, - деб ёзади Нормурод ва Адолат Мирзоновлар. - Бу ҳақда хўжалик раиси С.Са-

Шундай қилиб, бино ширкат азъоси қилиб, унга азъо бўлмаган кишига сотилгани шикоятга асос бўлган биринчи аломат деб тушуниш мумкин.

Ўғлимизнинг ёзган аризалари текширилди, ўз ишотини топганлиги сабабли, хўжаликнинг бир гуруҳ мансабдорлари суд олдида жа-

ҳам аниқланган, оқибатда Мизом Даққулов вазифасидан кетган.

Энди икки оғиз сўз биони хусусийлаштириш ва олди-сотди қилишдаги мавжун ҳолатлар ҳақида. Гарчи бино нархи туман кўчмас мулк кадастри томонидан 716 363 сўм қилиб белгиланган ва бу пул тўланган

бўлса-ди, 2002 йил 5 августдаги топшириш ва қабул қилиш даволатномасиди «эски мактаб биносининг жами 45,52 кв.метрдан иборат бўлган 2 та хонаси А. Навоий номли ширкат хўжалиги ҳисобиди қолдирилсин», деб кўрсатилди. Ажаб, у ҳолда нега бу ҳақда на вакиллар йиғилиши қарориди, на бошқа ҳужжатларда лом-ним дейилмаган. Е кейинчалик бу ердаги икки хонада кўндан бери кишлоқ фельдшерлик-акушерлик пункти фойдали кўрсатиб келлаётгани ёдларига тушиб қолдимкин, ё бошқа бичон сабаб борми, бу ёғи бизга қоронгу.

- Пункт кишлоқдаги 669 кишига хизмат кўрсатмоқда, - дейди фельдшер Равшан Мавлонов. - Керакли барча

## БИР БИНО МОЖАРОСИ

унинг кейинги тақдири, шикоятни текшириш жараёнида аниқланган баъзи бир нохуш ҳолатлар ҳақида бор-моқда. Туман хусусийлаштириш бўлими мутахассиси Б.Боймуродовнинг туман прокуратурасига ёзган хатиди кўрсатилишича, Чувак кишлоқиди 1960-64 йилларда қурилган, бугунги кунда яроқсиз ҳолга келган эски мактаб биноси хўжалиқда болалар бичонаси сифатида 80 миң сўм қиймат билан балансида турибди. Бино Роҳила Жоникүловага унинг аризасига кўра ширкат хўжалиги Низоимнинг 4-бўлими 24-бандига асосан ҳамда туман ҳокимининг маиший хизмат мажмуини ишга тушириш учун хусусийлаштириш бериш мумкинлиги тўғрисидаги розилик хатига

лохидиновга мурожаат қилди. Бино эса бу орада ширкат хўжалиғига алоқаси бўлмаган Жоникүлов Саъралар кўрилди». Дарҳақиқат, жинорий ишлар бўйича Хатирчи туман судининг раиси Комил Жумаевнинг берган маълумотиға қарағанда, Мизом Даққулов, Пирмат Шерматов, Хусан Разақовлар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-172-моддалариди кўзда тутилган жиноятларни содир этгани учун жазоланишган ҳамда Республика Президентининг Конституция қабул қилинганнинг 10 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги фармонининг 3-моддасига асосан жазодан озод этилганлар. Бундай қонунсиз ҳолатлар хўжалиқда кейинчилик

воб берди, - дейлади хатда. - Бош ҳисобчи, бош иқтисодчи, хўжалик тафтиш хайъати раисига шартли чоралар қурилди». Дарҳақиқат, жинорий ишлар бўйича Хатирчи туман судининг раиси Комил Жумаевнинг берган маълумотиға қарағанда, Мизом Даққулов, Пирмат Шерматов, Хусан Разақовлар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-172-моддалариди кўзда тутилган жиноятларни содир этгани учун жазоланишган ҳамда Республика Президентининг Конституция қабул қилинганнинг 10 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги фармонининг 3-моддасига асосан жазодан озод этилганлар. Бундай қонунсиз ҳолатлар хўжалиқда кейинчилик

Ялғош САРИБЕВ, «Ишонч» мухбири


# Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллигига ЙЎЛЛАР, БУ АЖИБ ЙЎЛЛАР...

Инсон қиёфаси ҳар қанча ўхшаш бўлмасин, уларни бир-биридан ажратиб турувчи хос белгилари мавжуд. Мамлакатлар ҳам шундай: қай бири осмонўпар бинолари, қай бири мовий денгиз соҳилида жойлашганлиги билан, яна бир қайсиси мўтадил иклими-ю, бошқаси жазирама иссиғи билан фарқланиб туради. Дунёда энг қудратли давлат ҳисобланмиш АҚШ учун юқорида қайд этилган хусусиятларнинг деярли барчаси таниш. Лекин америкаликларнинг ўзлари ҳам эътироф этишларича, улар энг аввало йўллари билан фахрланадилар.

Агар эътибор қилган бўлсангиз, истиқлолга эришганимизнинг илк давларида ҳам Ўзбекистонда ҳам йўл қурилишига жиддий эътибор қаратилди. Кенг ва раво йўллар, кўприклар шахрига айланиб бораётган азим Тошкентни қўя туринг, вилоят ва туман марказларини кўз олдимишга келтирсак ҳам ушбу манзаранинг шохидига айланамиз. Илгари, очиги, Тошкент-Жиззах трассаси билангина макта-на олардик, ҳозир эса турли ҳудудларни боғловчи сокин дарёдек текис йўлларда гўё қанот чиқариб парвоз қилаётган замонавий автомашиналар қарвонига боқиб, беихтиёр ёқа ушлайсиз.

Ваҳоланки, йўлларимиз ҳақида ажабтовур латифалар тўқилганини ўрта авлод яхши эслайди. Эмиш-ки, япон автошиналари тавсифомасида шундай сўзлар ёзилган экан: Кафолати – ўн йил. Лекин Россия ва қўшни давлатлар бундан мустасно...

Мана бугун ўша макталган япон ва немис автомобиллари Камчик довони оша Фарғона водийсига қатнамоқда. Самарқанд ва Урганч кўчаларида юрибди, ҳатто олис қишлоқларга етиб бормоқда. Бу ҳам аслида истиқлол шарофати ила кўз ўнгимизда юз бераётган улугвор ўзгаришлардан бир лавҳа ҳолос.



## АСР ҚУРИЛИШИ

Муқаддас китобларда бировнинг манзилни яқин, мушкулни осон қилишликни энг катта савоблар сирасига киритилади. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, тарихий нуқтаи назардан олиб қараганда жуда қисқа фурсат ичида Ўзбекистонда бемисл суръат ва шиддат билан бир қатор савобли ишларга қўл урилди. Қамчиқ довонини тилга олиб ўтдик. Кейинги жасорат Қизилқум чўллари оша намобён этилди. Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстог-Нукус темирйўлини бугун бемалол нажот йўли, дея таърифу тавсифлаш мумкин. Бу йўлнинг очилиши икки жиҳатдан яхши бўлди: ҳам манзилга элтувчи масофа қисқарди, ҳам йўл ёқасида замонавий инфратузилмаларни бунёд этиш имконияти туғилди. Бундан келиб чиқадиган ҳулосаларнинг эса чеки-чегараси йўқ. Қанчадан-қанча иш ўринлари яратилди, бундан-да муҳими, шахарлар-шаҳарларга, одамлар-одамларга яқинлашди. Бу қурилишнинг аср қурилиши, дея аталгани ҳам бежиз эмас.

Шундай улкан бунёдкорликнинг яна бири Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида амалга оширилмоқда. 2007 йилда якунига етказилиши режалаштирилган «Тошгузар-Бойсун-Кумқўрғон» темир йўли қурилишида бугун ҳаёт кайнади. Эзгу мақсад сари тўғри йўналтира билинса, эл монолит кучга айланишини биз шу ерда кўрдик.

## «ЎЗИМИЗНИ КЎРСАТГАНИ КЕЛГАНМИЗ»

Рости, қахрамонларимиз билан юзма-юз келиш осон кечмади. Бизга нотўғри тушуниришган экан. Таомилга кўра аввал мутасаддилар билан учрашиш ниятида Кумқўрғон туман марказига бордик. Йўқ, штаб бу ердан кўчиб кетганига анча бўлибди. Иш жойига яқинроқ бўлиши учун Бойсунга, аниқроғи, бир пайтлар ишга туширилиб, сўнг истиқболли йўқ, дея ташлаб қўйилган Аргелит карьери маъмурий биносига боришимиз лозимлигини айтишди.

Бахтимизга кўп ўтмай ҳамроҳ ҳам топила қолди. Қизиқ механизациялашган кўча жамланмаси бошлиғи Абдурашид Аллашев айнан ўша ёққа штаб йи-лигишига бораётган экан. Кумқўрғон ва Бойсун ту-

манларини табиий равишда ажратиб турган Оққапчи-гай каналдан ўтгач, айланма йўл билан дам юқори-лаб, дам пастваб, дам асфальт, дам тупроқ йўл билан бир амаллаб манзилга етиб олдик.

– Биз йўлга чиққан нефт базасидан то штабгача 35 километр масофа бор. Янги йўл полотноси ишга туширилгач, Оқжар ва Тангимуш станциялари оралиги бор-йўғи 15 километрни ташкил этади. Бу – йўловчилар 20 километр ютади, деганидир. Ҳам вақт, ҳам ёнилғи те-жалади.

Тангимуш массивига етиб келганимизда ғира-шира оқшом сал ўтмай тун қоронғуси билан алмашди. Одамлар билан тузукроқ танишишга ҳам улгурмадик. Икки қаватли, ошиғич таъмирдан чиқарилганлиги кўзга аққол ташланиб турган бинога тақлиф қилишди. Штаб йиғи-лиши бошланган экан.

Деворларига ҳар хил чизмалар осилган чоғроққина хонада йигирмадан зиёд одам ўтирар, эшик рўясига узун стол қўйилган, гап-сўзлар оҳангидан жиддий ма-сала муҳокамадан ўтаётган эди.

– Хой, барака топгурлар, – дерди Ўзавтойўл концер-ни «Буюк Ипак йўли» бошқармаси бошлигининг ўрин-босари Чори Баҳромов, – ҳозир хотиржам бўладиган пайт эмас. Ҳар дақиқа ганимат. Ишни нафақат икки, балки уч сменада ташкил этмасак бўлмайди.

Ўтирганларнинг ҳар бири кундалик иш юзасидан ах-борот берди, йўл-йўлақай катта-кичик муаммолар ҳал этиб борилди. Ким цемент, ким шпал, яна ким техника сўради. Бир сўз билан айтганда, ҳеч ким қуруқ қўл билан келмагани каби қуруқ қўл билан кетишни ҳам истамаслиги шундоққина кўриниб турарди.

Давра айланиб яна меҳнат интизомига келиб тўхтал-



ди. Янги темир йўли қурилиши бўйича бошлиқ ўринбо-сари Муслмонқул Бойкелдиев зўр гапни айтди.

– Ҳеч ким бизни бу ерга мажбурлаб олиб келган эмас. Ҳаммамиз тендер асосида кўплаб ташкилотлар ўртасида ўтказилган мурасасиз танлов йўли билан голиблар сифатида ишлаб, ўзимизни кўрсатгани кел-ганмиш. Келинлар, ким эканлигимизни амалда кўрса-тайлик.

Ярим таъна, ярим даъват сифатида янраган сўзлар, чамаси, барчага маъқул тушди. Шу билан йиғилиш ҳам ниҳоясига етиб, одамлар билан яқиндан танишиш, факт ва рақамларни оқ қоғозга қоралаш имкони туғилди.

## ЭКСКАВАТОРЧИ ЭРКИН ПОЛВОН

### ва унинг дўстлари

Одатда ишлаб чиқариш узлуқсизлик замирига қурил-ган завод-фабрикаларда шундай бўлади. Ҳеч ким бир дақиқга бўлсин, иш жойини тарк этолмайди. Озгина ҳаяллаш ёки бошқа нарсага алаҳиш иш ритмининг бузилишига, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилишига сабаб бўлади.

Бугун Янги темирйўл қурилишида ҳам шунга ўхшаш ҳолатни кузатиш мумкин. Бу йил ҳисобидан неча киши


дам олиш уйлари ва сихатгоҳларда бўлиб қайтганла-рини сўраганимизда, Қизиққ механизациялашган кўча жамланмаси қасаба уюшма раиси Бахтиёр Хол-боев ажойиб жавоб қилди:

– Ҳозир ҳар бир одам биз учун тиллога тенг. Агар хоҳлаганимизда ҳам ишчиларимизни қурилишни лоақал ўн кун бўлсин ташлаб кетишга кўндролмаймиш. Белги-ланган топшириқ бажарилсин, ана унда марҳамат, дам олишим, сихатгоҳга боришим, ўзини ишда кўрсатган илғорларимизга бепул йўланма беришни режалашти-риб қўйганмиш. Ҳозирча ишчиларимизнинг 21 фарзан-дини оромгоҳларда дам олдириш билан қаноатланиб турибмиш.

Жамланма шу пайтгача сув ҳўжалиги қурилишининг моҳир усталари сифатида эътироф этилган эса-да, те-мирйўлчи сифатида ҳам анча-мунча шухрат қозониб қол-ди. 14 та экскаватор, 9 та булдозер, 6 та скрепер, кўплаб каток ва водовозлар кунни кун, тунни тун демай унум билан ишлатилмоқда. Кимдан сўраманг экскава-торчи Эркин Арабов, Сайдамин Абдураҳмонов, Баҳром Мўминов, булдозерчи Урун Жалилов, Баҳодир Юсупов, скреперчи Шамсиддин Шарипов, Аллаберди Холиёров, кранчи Эшпўлат Тожиев номларини илғорларимиз, дея фахрланиб тилга олишади. Участка бошлиғи Раҳмат Соатов, қурилиш устаси Абрамат Йўлдошевларнинг йиллар давомида орттирган бой тажрибаси бу ерда ҳам асқотмоқда.

– Чанг-чунгга эътибор берманг, – дейди экскаватор-чи Эркин Арабов. – Ишимиз ўзи шунақа. Муҳими, меҳ-наткашга бўлган муносабатда. Нолимаймиш, меҳнат қилиб кам бўлмаямиз. Маошимиз – ишбай. Қанча кўп ишласак, шунча кўп ҳақ олаимиз. Қолаверса, уч маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминланганмиш.

Ота-боболаримиз беморни кўргани борсанг, кўп ўтир-



ма, ишлаб турган кишининг вақтини олма, деб ўрга-тишган. Биз ҳам шунга амал қилдик. Чанг-тўзон ичра йўқолиб бораётган экскаваторнинг оламини бузгудек гулдурос овози узоқ вақт қулоғимиз остида эшитилиб турди.

## ЖАСОРАТ!

Қурилиш хусусида факт ва рақамлар тўплаш жараё-ни бора-бора жонли гурунг тусини олди. Эътироф этиш жоизки, бу ерда айтилган мулоҳазалар катта давра-лардагидан асло кам эмас эди. Ва биз яна бир қарра бор ҳақиқатни бутун бўй-басти билан кўргандек бўлдик.


Мамлакат истиқлолга эришганидан сўнг кўп нарса ўзгарди. Одамларнинг турмуш тарзи ва руҳиятида янги сифат белгилари намобён бўлди. Бошқача айтганда, мамлакат миқёсида юз бераётган ўзгаришлар одам-ларнинг дунёқарашини қайта тафтишдан ўтказиб, улар-да ўз кучларига, имкониятларига бўлган ишончини янги поғоналарга олиб чиқди.

Бу нималарда кўринади? Мана, масалан, ғалла мус-тақиллиги ва нефт мустақиллиги юзасидан ўтган йил-лар силсиласига назар ташлайлик. Эндиликда дони-миш ҳам, ёнилғимиз ҳам етарли. Ҳатто, четга экспорт қилиш салоҳиятига эгамиз.

Навбатдаги вазифа, бу – йўл мустақиллигига эри-шиш. Юртбошимиз бежизга ушбу масалага ўта жид-дий эътибор қаратаётгани йўқ. Чунки йўл ҳам – пул. Жуда катта пул! Келажакда тежалган ушбу пуллари бошқа нарсаларга, янги-янги қурилиш, завод ва фаб-рикалар барпо этишга сарфлаш, шу йўл билан минг-миглаб иш ўринлари яратиш, турмуш фаровонлигига йўналтириш мумкин бўлади.

Қамчиқ довони орқали янги йўл очиш, Навоий-Учқ-удуқ-Султон Увайстог-Нукус ҳамда Тошгузар-Бойсун-Кумқўрғон темир йўллари фойдаланишга топши-ришдан мақсад ҳам аслида шу. Хорижга тўланаётган валютани тежалаш, бунинг эвазига мамлакат ичра яго-на инфратузилмани яратиш. Муҳолифларимиз нима деса десин, эрксевар халқ барибир охир оқибатда асрлар бўйи орзу қилган эзгу мақсадларига эриша-ди.

– Шу кунгача 845 миллион сўмлик иш бажарилди, –



дейди Давлат акционерлик компанияси «Ўзбекистон темирйўллари» капитал қурилиш ва техник қайта қуруланиш дирекцияси катта назоратчиси Тошқўр-ғон Рўзиев. – Йил охиригача бу миқдор 7 миллиард сўмни ташкил этади.

## ОЛДИНДА

### бундан-да катта ишлар

Бу улкан иншоотга Ўзавтойўл концерни «Буюк ипак йўли» бош бошқармасига қарашли Каттақум автомо-бил йўлларидан фойдаланиш махсус бошқармаси бош пудратчилик вазифини бажармоқда.

Тендер асосида ёрдамчи пудратчилар танлаб оли-ниб, 31 километрдан зиёд масофада қурилиш-мон-таж ишлари олиб борилмоқда. Темирйўл тупроқ таг-ликлари ва сунъий иншоотлар, бургулаш-портлатиш ишлари ва темирйўл ёқалаб автомобил йўллари қуриш жадал суръатларда давом эттирилмоқда.

Бу йил 2 миллион 564 минг метр куб ер ишлари бажарилиши режалаштирилган. Жами 76 та сунъий иншоот барпо этилиши кўзда тутилгани ҳолда 50 та-сида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётир. Шун-дан 23 тасида иш поёнига етмоқда.

Темирйўл ёқалаб йўл – 27 километр. Айни кунлар-да 12 километри тахт ҳолга келтирилди.

Бундан ташқари 23 минг куб метрдан зиёд темир-бетон ишлари амалга оширилиши керак.

Кўриниб турибдики, ишлар кўламини ниҳоятда кенг. Бу ҳали бошланиши. Олдинда бундан-да катта юмуш-лар навбат кутиб турибди. Демак, жасорат ва қаҳра-монликлар ҳали узоқ вақт давом этади. Бунинг сири битта – бутун мамлакат бир тану бир жон бўлиб иш-ламоқда.

Бугун Бойсун тоғ этакларида қарийб барча вилоят



вакиллари астойдил меҳнат қилаётир. Тўпаланг сув омборида ишлаб, тоғ ҳудудида оғир юмушларни ба-жариш ҳадисини олган экскаваторчидан тортиб, Анг-рендан келган бургулаш-портлатиш устасини ҳам шу ердан учратасиз. Андижонлик шоввоз йигитнинг ши-рали хиргойисини эшитиб қолсангиз ҳам ажаблан-манг, бу ерда Мирзачўлдан таширф буюрған қурув-чилар ҳам талайгина.

Улар Бойсуннинг кўркем манзарасига боқиб, кўнгил ёзиш учунгина келишмаган, уларни бир мақсад – одамларнинг манзилни яқин қилиш, юрт равнақи учун хизматда бўлиш саодати билрлаштириб турибди. Шу боиски, бугун уларнинг оёқларидан ўт чакнайди, кўзла-ри тўла нур.

\*\*\*

Тун ярмидан оққан бир паллада Зарафшон дарё-сидан ўтаётиб дуч келганимиз нурафшонлик беихти-ёр юракларни жунбушга солди. Самарқанд осмонини тўлдириб турган эса-да, қоронғулик қаърини ёриб ўтишга ожизлигидан уялганнамо юлдузларни ушбу хижолатпазликдан халос этган каби пуриқор тоғ ён-бағрида аввал бир неча, сўнг узун бир халққа ти-зилган янглиғ ёрқин чироқлар порлади.

– Поезд! Ана, поезд! – завақ-шавақ ила ҳаяжонни босолмай қичқирди орқа ўриндикда ўтирган болақай.

– Ойи, қаранг ёруғлигини!  
Ҳали яқиндагина хайрлашганимиз Бойсун тоғлари қад ростлади-да, хаёлан бир неча йиллар илгарилар кетгандек таассурот уйғотди. Манзил томон ошиқайт-ган поезд Бойсун ёқалаб бораётгандек туюлди гўё.

Зайниддин РИХСИЕВ,  
«Ишонч»нинг махсус муҳбири



Мустақиллигимизнинг муборак 12 йиллиги арафасида ҳар бир инсон ўзи, халқи, юрти ҳақида чуқур мушоҳада юритиши табиий. Биз, ўзбеклар ким эдик, ҳозир киммиз, ҳақон халқлари оиласида тутган ўрнимиз қандай? Ҳаёл беихтиёр ўтмишимизга етаклайди.



Бизнинг ўтмишдаги миллий фожеамиз, кўргуликларимиз илдизи шундан иборатки, биз имкониятлардан фойдалана билмадик. Баъзан ўз зараримизга иш кўрдик, ўзимиз ўтирган шоҳга ўзимиз болта урган кезлар бўлди. Ёлғиз отнинг чанги чикмас, деган мақолга амал қилиб яшадик. Ҳолбуки, бутун жаҳонда ана шундай чанги чиқадиган отлар - қудратли даҳолар, ёрқин иқтидорлар, етук шахслар аврагани тортиб келганлар ва тортиб келмоқдалар. Кўҳна тарихимиз бунга ёрқин мисолдир.

Миллат сифати, генофонд - яъни ирсий хислатлар мажмуаси, деган тушунча бор. Олимларнинг сўнги тадқиқотларига қараганда, собиқ иттифоқда, жумладан, жумҳуриятимизда бу кўрсаткич ниҳоят даражада пастлаб кетган экан. Бундай бисот билан узоққа бориш амри маҳол эди, албатта. Шу ўринда яна бир масалага диққатни тортсак. Жумҳуриятимизда яқин қариндош бўлган, ҳатто амакивачча, холавачча йигит-қизлар ўртасидаги никоҳлар давом этиб келаяпти. Тиб илми бундай никоҳларнинг насл учун ўта хатарли эканлигини, қариндош эр-хотиндан мажруҳ, носоглом, ақлан ва жисмо-



нан заиф, ижобий хислатлари кам фарзанд туғилишини, энг безарар ҳолларда зурриёдга ота-онанинг фазилатлари эмас, кўпроқ қусурлари мерос бўлиб ўтишини аллақачон исбот этган. Бу одат халқимизнинг ирсий ҳолатини фақат оғирлаштирадими, улар ҳақида жиддий бош қотириш, амалий чора-тадбирлар кўриш вақти аллақачон етди.

Табиат жон талашиб турган, дунё ҳаёт-момот даврига қадам қўйган мураккаб бир шароитда нажотимиз - қуруқ гап-сўз эмас, меҳнатдир! Меҳнат биз учун нафақат тириклик пойдевори, балки ўз-ўзимизга, жамиятимизга эътиқодимиз мезони ҳамдир.

Ҳозир халқимиз онги шиддатли бир тезлик билан ўсаётган, ғайрат-шижоати жўшиб турган бир пайтда бу қудратни меҳнат ўзига буришга, миллат истиқболига хизмат қилдиришга қодир, юртимиз бойлиги - маънисини йиғиштириб уни ўзига қайтариладиган, бел боғлаб астойдил хизмат қиладиган беминнат одамлар майдонга чиқши керак. Не бахтки, бундай одамлар жумҳуриятимизда кўп. Таъкидлаш жоиз, улар сиёсий об-ҳаводан, маънавий расм-русумлардан қатъи назар ўз бурчини виждонан адо этиб, энг шимариб, жаҳон савияси ва малакаси даражасида саъй-ҳаракат қилиб келганлар. Маҳаллийчилик, гуруҳчилик, таъмагирилик сингари жамиятнинг орқага тортаётган иллатлар уларга ёт. Низо ва адоватлардан улар ҳаммиша устун турадилар. Аслида ўзбекининг

# ЎЗБЕГИМ ШАЪНИ

довруғини шундайлар кўтариб келганлар. Ҳозирги Истиқлол кунларида ҳам миллат таянчи, азалий ўзбек мазмунининг посбони ҳам шулар.

Табиийки, раҳбар ходимлар шахсиятининг ғози ва таъсири бўлмаса, жамият обрўсизланади. Бор гап, баъзан шоҳона кабинетлар савлати, моддий ва маънавий имтиёзлар шуқуҳли «раҳбар» деган касбга кимларнидир иштиёқманд қилиб қўйди. Ҳолбуки, раҳбарлик бу меҳнат, машаққат, изланиш ва юксак даражадаги масъулиятдан бошқа нарса эмас. Одамларнинг бошини қовуштириб, ягона мақсад сари етаклаш, меҳроқибатли муҳит яратиш, эртанги кунни кўра билиб, унга қисматни бағишлаш ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. Раҳбарликка даъвогар одам энг юқори, энг қаттиқ талабларга жавоб бера олиши керак. Лўнда ифодалаганда жамиятда қандай фазилатлар қарор топиши керак бўлса, улар аввало, раҳбарлар қиёфасида мужассам бўлмоғи даркор. Чунки, ташкилотлар жамиятнинг ҳужайраси бўлса, раҳбарлар унинг қон-томиридир. Етук, ҳалол, малакали етакчилар қўлида режалар ўзгача қўлам касб этиб, тамомла янги уфқлар очилади.

Шароит тақозоси билан миллий тарихни варақлаб маданий ва маънавий хазина ахтарётганимизда бугунги кунга, оёқларимиз остига ҳам бир назар ташласак асло зарар қилмас.

Ёшлар ҳаётимиз кўзгусидир. Айниқса, уларнинг талабалик йилларининг аҳамияти катта. Шу қайноқ паллада уларнинг ҳар дақиқаси, ҳар куну соати маънога тўлдирилиши, ихтиёридаги жамики воситалар тарбия ва таълим мақсадларига бўйсундирилиши керак. Балоғатга етган ёшларнинг ўқув вазифаларини, ўз мажбуриятларини ҳавлга ҳам келтирмай тўп-тўп бўлиб зерикиб, сандироқлаб юрганини ким кўрмаган? Умрининг қайноқ даврида чанқоқлик билан билим олиш, кутубхоналардан чикмай зех-



ни чархлаш ўрнига баъзиларининг шу тарика бекор, беғам юришлари таъшиши ҳолдир. Чунки коллежаларнинг ҳам, олий ўқув юр்தларининг ҳам талабларига тўқис жавоб бериш учун илмга бор вақтни ба-

тўланар эмиш. Пул олганни ҳам, берганни ҳам ҳеч ким қўлидан тутган эмас, бироқ бу миш-мишларни ҳам ҳеч ким инкор этгани йўқ. Шунчаки орамизда ўзининг ота-оналик бурчини тушуниб етмаган, ўз фарзандларига ҳамир учидан лоақал мактабни ҳам уддалаб ўқишни ўргата олмаган ношуд кишилар бор. Меҳри кеч жўшиб, фарзандларига ўз билгича гўё қайурган бўлиб, «виждон солиғи» сифатида шундай шахслар пул кўтариб юриши эҳтимол. Беш панжа баробар эмас, пул таклиф этилгандан кейин уни оладиган кимсалар ҳам топилиши мумкин. Аммо оқибатда асосан эс-хушли ёшларимиз жабр тортаётганини ҳисобга олиб, бу савдога узил-кесил барҳам бериш керак.

Ўз қадрини билган ҳар қандай жамият баркамол ижодкор кишиларга муҳтож. Бундай кишилар қанча кўп етишса, Истиқлол пойдевори шунча мустаҳкам бўлади.

Бир сиқим тупроқ. Унда инсонни ардоқловчи, эъзозловчи, заминнинг муҳаббати бор. Янги дунёга келган чақалоқни моюларимиз бежиз тупроқли сувда чўмилиштирмаган. Бу удум асрлар оша ашаб келгани каби инсоннинг ана заминга бўлган муҳаббати ҳам ана шу тупроқли сувда мужассамдир. Гўдак ди-

## Барот БОЙҚОБИЛОВ

ғишлаш, кунларни машаққатли меҳнат билан ўтказиш талаб этилади.

Дарҳақиқат, кўп йиллар давомида ўзининг бевоисита вазифаларидан бўйин товлаб масъулиятдан қочиб, билимдон ўқувчилар панасида беркиниб келган ва шу аснода



шаклланган, шу руҳда суяга қотган ёшлар келажақда ҳам зиммасига муносиб юкни олмайдди. Бирор масалани мустақил ҳал қилишга уларнинг журъати ҳам, қурби ҳам, тафаккури ҳам етмайди. Бундайларнинг ноқобил шериклар тўдасига қўшилиши осон. Зеро, жамиятимиз бундай аъзолардан асло манфаатдор эмас.

Кўп йиллардан бую «пора» деган сирли сўз одамлар кўнглини хира қилиб келмоқда. Гўёки йўқ билимни бор деб қайд этиш мумкин эмишу, бунинг бадалига мўмай пул

моғига тупроқ ҳидини тўйдириш, шу билан унинг жажжи қалбига она ерга саждалар қилиб яшаш туйғусини жойлаш муқаддас анъаналаримиздан бири. Ким тупроқни кафтида кўпроқ сикади? Кимнинг қалби замин тафтини кўпроқ туйди? Кимнинг пешонасидаги ажинлар ернинг бағрига ўхшайди? Бир лаҳза сукут сақлаймиз ва беихтиёр «Бобо деҳқонинг!» дея шивирлаймиз.

Деҳқон! Бу бизнинг ризқи-рўзимизни яратувчи, нәмнатларни қадқ қўллари билан мўътабар падар мисол фарзандларига улашувчи зот. У бутун тақдирини, ҳаётини, жамики оруз-умидларини она тупроққа бахшида этган. Мурувватли замин эса ўз миришқоридан меҳрини дариг тутмайди, савоатини унинг йўлига поёндоз қиладди. Бу саховат, бу мурувват деҳқон меҳнати туйфайли, жамики инсоният ризқи-рўзига, дастурхонининг тўкин-сочинлигига айланади.

Замин - табиатнинг буюк нәммати, тирик жонга қилинган беқиёс саховатдир. Биз эса қачонлардир ана шу илоҳий қудратга бефарқлик билан қарадик. Ўзимизни табиатнинг жиловдори, унинг барча қонуниятларини ўз йўлимизга бўйсундиришга қодир деб билдик. Миллионлаб йиллардан буюн асрий мўътадилликни хоҳлаб келган ернинг томирларини шикастладик. Бугун ана шу хасталик бутун тирикликка билинмоқда.

Шундай бўлса-да, жафокаш деҳқон

## Истиқлол бадиъалари

ҳамон туну кун ором билмай замин бошида парвона. Эрта баҳорнинг дўлу довуллариға ўзини қалқон қиладди. Дон майсасига, икки қулоқ гўза ниҳолига кипригини суянчиқ қилиб, меҳр қуёшига айланган қалбидан ҳарорат улашади. Қуёшнинг беаёв тўлиға нишон бўлган кўчатларга соя-йон бўлишга интилади. Ана шундай фидойилик билан эл-юрт дастурхонини обод қиладди. Бир вақтлар бир сиқим тупроқ кимлар учундир қанчалик беқадр бўлса, баъзан деҳқон меҳнати бундан-да қадрсизланди. У қалб қўри, меҳр зиёси билан етиштирган ҳосил арзон гаровга олиб кетилди. Машаққатлар эвазига роҳат-фароғат кўриш ў ёқда турсин, таъна-дашонлар остида қолди. Бир бурда нон билан, бир қултум сув ичиб, умргузаронлик қилди. Охир-оқибат раҳмат ўрнига «боқиманда» деган ёрликни пешонасига ёпиштиришди. Меҳнат уники, фароғат ўзганики бўлди. Ушанда деҳқоннинг но-чор турмуш тарзи, қашшоқлик ҳолатидаги ҳаётини кўра туриб, уни фидокор, давримиз қаҳрамони деган ёлгонлар билан кўнглини овлашди. Самимиятга, меҳр-муҳаббатга ташна деҳқон тилёғлама сиёсат-



нинг асл моҳиятини тушунмади. Барибир унга ишониб яшади. Бугунги кундагина шунча қилган меҳнатлари, бутун ҳис-туйғулари сароб мисол алдоқчи сўзлар қурбони бўлганлигини чуқур англаб етди. Энг аввало, ўзини, ҳаётни, буларнинг барчасининг асоси бўлган заминни асраш, бор имкони билан ардоқлаш лозимлигини ҳис этди.

Бугун ўзбек деҳқони уйғониш даврини, изчил амалга оширилаётган ислохотлар палласини бошидан кечирмоқда. Буларнинг бари мустақил ишлашга, ўз кадр-кимматини англашга, фидойи меҳнат фароғатини кўришга ундайди. Бободехқон ҳаётида юз бераётган бу ижобий ўзгаришлар янгилиниш баҳоридан, орзу ва умидлар рўбининг тонги отаётганлигидан нишон-нади.

Фалла мустақиллигига эришдик, ўзбек деҳқонининг хирмони донга, дастурхони эса нонга тўлди. Не бахтки, муҳтарам Президентимиз ўз вақтида халқимизга ер бериб, рўзгоримизни фаровон этди. Дунёда нондан азиз нарса йўқ. У деҳқонни ҳам эл-юртда азиз ва мўътабар этди. Шу боис баралла Мустақиллик, Озодлик, Истиқлол муборак бўлсин деймиз!

# ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ ТАРМОҚЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ



Республикамиз авиасозларини касб байрами билан самимий муборакбод этади



Давлатимиз рамзлари туширилган ажойиб замонавий ҳаво кемаларини барпо этаётган соҳа ходимларига сиҳат-саломатлик, бахт ва омад ҳаммиша ёр бўлсин!

**«Ўзбекистон қўшиқ байрами» танловининг якунловчи босқичига тайёргарлик бошланди.**  
**Айтиш жонига, мазкур тадбир бадиий юксак муносиб асарлар - «Ўзбекистон - Ватаним мамани» гоясини очиб берувчи, халқимизнинг яратувчанлик меҳнатини шарафловчи, инсонларни она ерни асрашга ва унинг мустақиллигини қўшқорачигидек авайлашга даъват этувчи қўшиқлар байрами сифатида ташкил этилган. Танлов юксак савиядаги бадиий асарларга кенг йўл очиб мақсадида ўтказилмоқда.**

# ҚЎШИҚ БАЙРАМИ

Биз учун энг азиз ва энг улуғ байрам - Мустақиллик кунда, Наврўз тантаналарида янграйдиган куй ва қўшиқларнинг яратилган тарихига назар ташласак, уларнинг аксарияти биринчи марта Ўзбекистон қўшиқ байрамда ижро этилганга амин бўламиз. Мамлакатнинг ўзига хос саҳнасига айланган мазкур байрам бизни янги асарлар билан таништириш билан бирга, қўшиқ санъати шайдоларининг қалбини забт эта оладиган ёрқин истеъодларни ҳам намойиш этади.

Ўзбекистон қўшиқ байрамининг якунловчи босқичида Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, турли вазириликлар - халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим, маданият ишлари, мадффа, ички ишлар вазириликларда, бир қанча қўмиталар, идоралар ва ташкилотларда ўтказилган босқичлар голиблари иштирок этишди.


Мазкур танлов низомига кўра, тақдим этилган муносиб асарлар бешта номинацияда - маком, фольклор асар, хор, академик ва вокал-чолгу ижро бўйича баҳоланади. Голиблар учун ўн та мукофот кўзда тутилган. Биринчи ўрин учун - битта, иккинчи ва учинчи ўринлар учун - учтадан ва ўрта рағбатлантирувчи мукофотлар белгиланган. Бундан ташқари, алоҳида иштирокчиларни тақдирлаш учун республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар иқтисодий харакати, «Олтин мерос», Амир Темур жамғармалари ўз соҳибдорларини таъсис этишган.

Танловнинг якунловчи босқичи голиблари Халқлар дўстлиги саройида 17 августда бўлиб ўтадиган гала-концертда иштирок этадилар.

(УЗА)



# ШАНЪБА ДАМ ОЛИШ САЎИФАСИ



### ОНАЛАР МАКТАБИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халққор болалар жамғармаси Ўзбекистон билан ҳам яқин алоқада фаолият кўрсатиб келмоқда. Халқ таълими соҳасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳам яхши самаралар бермоқда.

Ўзбекистон халқ таълими вазириликнинг мактабига таълим бошқармаси билан ҳамкорлик натижасида «Оналар мактаби» дастури ишлаб чиқилди. Ёш оналарга мўлжалланган ушбу йўриқнома бўйича катор маърифий тадбирлар амалга оширилди. «Болангиз мактабга тайёрми?» деб номланган китоб халққор жамғарма маблағи ҳисобидан чоп этилди. Бир неча буклетлар ҳам нашрдан чиқди. «Шарқ халқлари эртақлари», «Топган топалоқ», «Меҳра йўрилган қўшиқ» сингари нашрлар шулар жумласидандир.

Болаларни мактабга тайёрлашда илгор усуллари жорий этиш деган маъзуда уюштирилган анжуман ҳам оналарда яхши таассурот қолдирди.

### Турфа олам

#### ЭКОЛОГИК ТУШУНЧА

Экология - кенг маънодаги тушунча бўлиб, атроф-муҳит, мавжудот, ҳаво, кўёш ва атмосфера тасвири, илмий тилда айтганда, биологик муҳит билан тана ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганайди. Айни пайтда, кишилик жамияти экология муаммолари билан банд бўлиб қолди. Чунки экология бузилиб кетмоқда. Бунинг натижасида ундан нафақат инсон, табиатдаги бошқа мавжудотлар, ўсимликлар олами, сув, ҳаво, хатто космик фазо ҳам зарарланмоқда.

Экологик дунёқарошни шакллантириш ҳали катта аҳамиятга эга. Фалсафа ва экология фани орасидаги муносабатнинг яқинлашуви экологик дунёқарашда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Экологик кадрлар эстетик, илмий, фалсафий, диний қадриятлар билан ўзвий боғланишга бўлиб, уларга таяниб турибгина янада такомиллашиб бормоқда.

#### ДАСТАБКИ МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

Ҳар йили 21 октябрда, яъни машҳур Швед олими Альфред Нобель таваллуд топган кунининг номидаги халққор мукофот эълон қилинади.

Россиялик тиббиётчи олим Иван Павловнинг исми-шарифи эса ўзи раҳбарлик қилган илмий лаборатория томонидан ўтказилган тадқиқотлар асосида чоп этилган мақолаларда жуда кам учраган.

Аммо бу буюк олимнинг илмий салоҳиятини махсус ўрганиш учун Петербургда келган Нобель жамғармаси вакилининг ҳисоботидан сўнг, шу бўйича алоҳида тегиришлар ўтказилди. Ниҳоят, 1904 йили И.Павловга тиббиёт соҳасидаги Нобель мукофоти берилди.

1968 йили Нобель мукофотига сазовор бўлган америкалик генетик олим Кораннинг уч йиллик илмий фаолияти илмий ишлар нашрдан чиққани ҳолда, улардан фақат бештасигина унинг исми-шарифи биринчи бўлиб эълонланган сабабли, олимнинг умумий ишидаги ҳиссасини аниқлаш учун махсус тегиришлар ўтказилди.

#### МАҚБУЛ КИМЁВИЙ УСУЛ

Сувда эритма ҳолида бўладиган моддалар микдорини аниқлашда кимёвий усул жуда кенг қўлланилади. Ана шу усулга ядро физикаси ютуқларини татиқ этиш ажойиб самара бериб, сувдаги кумуш ва олтин микдорини аниқлаш имконияти илгирига қараганда беқийс даражада ортди. Масалан, кимёвий усулда сувдаги кумуш ва олтин микдори нисбатан кўп бўлса ҳам, унинг бор-йўқлигини аниқлаш анча мушкулдир.

Нейтронлар билан нурлантириш усулида эса, гарчи кумуш ва олтин ниҳоятда кам бўлса-да, унинг микдорини аниқлаш хамирдан қил суғургандай осон.

Бионобаран, бу усул асосида сувлардаги кумуш ва олтин микдорини аниқлаш кенг йўлга қўйилса, олинган маълумотларга қараб мамлакатнинг худуди айрим-айрим минтақаларга ажратилса ва ҳар бир зона сувидан халқ ҳўжалигида мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш тадбирлари ишлаб чиқилса, айни муддао бўлар эди.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади

**Ўзбекистон Бадиий академияси. Санъатшунослик илмий тадқиқот институти, К.Бехзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институти томонидан мустақилликнинг ўн икки йиллигига атаб, «Ўзбекистон замонавий санъати» альбоми тайёрланмоқда. Унда мустақиллик даврида Ўзбекистон тасвирий ва халқ амалий санъати усталари томонидан яратилган энг сара асарлар жамланган.**

### ИЖОД ГУЛДАСТАСИ

Ўзбекистоннинг замонавий санъати тўпламидан ўзбекистонлик 250 нафардан ортқ тасвирий ва халқ амалий санъати намояндаларининг истиқлол йилларида яратган энг яхши асарлари урин олади, - деди Ўзбекистон Бадиий академияси расиси Турсунали Кўзиёв. - 300 саҳифага яқин альбомнинг бошқаларидан фарқи шундаки, унда барча вилоятлардаги кўплаб йўналишлардаги ижодкорларнинг асарлари берилди. Бу нафақат рассомларнинг истиқлол давридаги ижодларининг сарҳисоби, балки маданият ва санъат иқлосмандлари, мутахассислар учун бекор манба бўлади.

Т.Кўзиёвнинг таъкидлашича, кейинги йилларда барча соҳаларда, жумладан тасвирий ва халқ амалий санъати соҳасида ҳам ижодий ўзгаришлар юз берди. Миллий анъаналар, улуғ аجدлар меросини ўрнини тобора кучаймоқда. Нашр этишга тайёрланган альбомда ҳам мамлакатимиздаги буюк ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилинади. «Ўзбекистонни замонавий санъати» тўпламини ўзбек тасвирий ва халқ амалий санъатининг гулдастаси десак, муболага бўлмайди.

«Туркистон-пресс»

### УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллик байрами арафасида Эллиққалъа туман маркази - Бўстон шаҳрида барча устозларга чурқ хурмат ва миннатдорлик рамзи сифатида «Устозга эҳтиром» ёдгорлиги бунёд этилди.

Унинг очилишига бағишланган тантанали маросимда сўзга чиққанлар мазкур ёдгорлик юртимизда устозларга кўрсатилаётган чексиз эҳтиром рамзи бўлиб қолишини таъкидлади.

Ҳайкалтарош Тўлқин Саипов ишлаган ушбу ёдгорлик шаҳар марказидаги «Ёшлар хибони»га ўзгача кўрк бағишлади.

### Биласизми?

Кофе дарахтининг Ватани - Ҳабашистон. Кофенинг кашф этилиши ҳақида мана бундай ривоят бор. Бир чўпон эчкилар подасини тоғ яйловига ҳайдаб кетаётган экан, эчкилар йўл-йўлакай ўсимликларнинг барг ва новдаларини чимдиб бораверишган. Шу пайтгача тинчгина ўтлаб кетаётган эчкилар тўсатдан ўйноқлаб дикир-дикир сақраб, югуртилай бошлайди. Икки-уч кун қаторасига такрорланган бу воқеа чўпон эштиборини ўзига тортади. Эчкилар унча катта бўлмаган тўқ яшил баргли, олчага ўхшаган мевали дарахтнинг бар-

глари егандан сўнг уларда ўзгариш юз беришини чўпон пайқаб қолади. Кейин маълум бўлишича, бу кофе дарахти Кофе дарахтини дастлаб араблар эка бошлаган. XI асрда кофе Яманга, XVI асрда келиб эса Арабистоннинг шимолий сулмонларга кофе ичиш таъқиқланади. Айрим кишиларнинг «кофе ақли расо кишилар ичадиган ичимлик эмас» деб таш-

### КОФЕ ДАРАХТИ

худоуларига тарқалган. Ундан Туркияга, сўнгра Европага ўтган. Ўрта асрларда кофе Яманнинг Маха порти орқали бошқа мамлакатларга чиқарилган. Шу даврларда Европада кофени «Макко» деб атаб бошлаганлар. Кофенинг аъло навлари ҳозир ҳам «Макко» номи билан аталади.

Кофе вужудга келиши билан қаршиликка ҳам учрайди. 1511 йилда му-

XVIII асрда голландлар томонидан Жанубий Америкага олиб бориб кенг плантацияларга экила бошланади. Кейинчалик эса кофе ўзининг иккинчи Ватани бўлмиш Жанубий Америка давлатларининг асосий экспорт маҳсулотига айланади. Бразилия, Колумбия ва Аргентинада кофенинг асл навлари этиштирилади. Ҳатто у ҳақда кинофильм яратилган.

Ҳозирги кунда кофе жаҳон бозорига жуда харидоригр ва дунё аҳолиси томонидан кўп истеъмол қилинадиган ичимликлардан биридир.

### МАЖБУРИЯТ ҲИКОЯ

Чолнинг дикайган сап-сарик қошларига, оппоқ соқолига, бир қарорга келолмаганлиги сезилиб турган қўшиқ кўзларига назар соларкан, Абдурахимнинг энсаси қотди.

- Э, қанака одам экансиз ўзингиз ҳам...  
 - Оти жадаллатди.  
 - Қани эди, ҳозир шу раиснинг олдида кириш деган ташвиш бўлмас! Отининг бошини тўри далага қўйди. Илгари бригадирлар бақирок бўлгучи эди, ҳозир

унчалари йўқ. Бояқиш Вали бригадир бўлса нонинг ўзи. Ювощ. «Шариф бува, тағин ҳам ўзингиздан қўймасин, ишлаб тураверинг», дейди. Нобоб, қўли эгри одамлар кўп-да. Утган йили Нодир чўпир беданинг ярмини ўриб кетибди. Ҳах, ноинсоф, иш деб-ку, кунингги ўтказганинг нимаси-ю ўғирлик қилганинг нимаси-ю!

Ия, анча ҳўйга келиб қолибди-ку... Ана баланд-баланд миз-затераклар орасидан оппоқ бўлиб хўжалик идораси кўриниб турибди. Нима қилсам экан? Аввал далага борсамикан ёки... Анорғамай ҳайронсан. Тиниб-тинчиман хотин. Ахир, кенжаотай ўғил эшигиде беш-олти марта қатнаса ҳамма сомони ташиб қўяди-ку! Яхшиси, раисни кутайди, хали эрта. Нима қилти, бозордаги чойхонада чой ичади, кейин раиснинг олдида боради. Унчага, ўлдинки, кеп қолар. Далага кеч қолмасмикан? Майли, кейин юраги сиқилиб, идорага йўллабмай юрганидан кутгани маъкул.

Кун қиздира бошлади. У чойхона орасидаги тутта болганлар отига қараб-қараб қўйди.



Дугоналар. X. МАМАДАЛИЕВ олган сурат

### БИЛДИРИШНОМА

**«Оқ-олтин-ЕС» савдо ишлаб чиқариш ҳиссдорлик жамияти акциядорлари диққатига**

Кузатув Кенгашининг қарорига кўра 2003 йилнинг 18 сентябр кунини соат 10:00 да акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Навоий кўчасидаги магазинлар растаси қаторида жойлашган «Узсаламан» магазинида бўлиб ўтади.

**Кун тартиби:**

1. Ташкил этилаётган масъулият чекланган жамиятга
2. «Оқ-олтин-ЕС» номини бериш.
3. 2. Ўтказиш далолатномасини тасдиқлаш.
4. Устав капиталининг ҳажмини, тартибини ва қисмларини тасдиқлаш шартини аниқлаш.
5. М.Ч.Ж. Уставини тасдиқлаш.
6. Таъсис шартномасини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг директорини сайлаш.
8. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
9. Ички низомиларни янги таҳрирда тасдиқлаш.
10. Кузатув Кенгаши тўғрисида Тафтиш комиссияси тўғрисида Жамиятнинг Бошқарув органи тўғрисида Акциядорларни рўйхатга олиш соат 9:00 дан 9:55 гача давом этади.
11. Кун тартибиде кўриладиган масалалар бўйича керакли маълумотларни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин: Навоий кўчасидаги магазинлар растаси қаторида жойлашган «Узсаламан» магазин.

ларини сайлаш.

9. Ички низомиларни янги таҳрирда тасдиқлаш.

Кузатув Кенгаши тўғрисида Тафтиш комиссияси тўғрисида Жамиятнинг Бошқарув органи тўғрисида Акциядорларни рўйхатга олиш соат 9:00 дан 9:55 гача давом этади.

Кун тартибиде кўриладиган масалалар бўйича керакли маълумотларни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин: Навоий кўчасидаги магазинлар растаси қаторида жойлашган «Узсаламан» магазин.

Кўёш ҳовлидаги бор нарса: кўм-кўк ишқомлару, ранг-баранг гулларни онсарик нурга қўйиб юқди. Сўритокларнинг шапаллоқдай барглари орасидан хотиннинг узунюк, буршиқ юзи кўринди.

- Ҳов, тўхтанг! Миқ этмайси-а! - Хотини қўлини пахса қилиб гапираркан, у худди Мирхайдар бригадирнинг қаршисида тургандек титраб кетди. Мирхайдар бригадирнинг ишдан олинганига нақ беш йилдан ошди-ю, бирвос зўғум қилгудек бўлса, дарҳол эсига тушади-қўяди. - Эрта кетасиз, кеч келасиз. Боринг бор, йўнги бор - суриштирай демасиз! - У отининг нўхтасидан тутганича хотинига қаради. - Улгунгизча ишлайсизми, нима бало! Сомон ордона тўрт кундан бери янчилган жойида тўпроққа қоришиб ётибди-ю, опкедай демасиз! Бугунчи раисдан машина сўраг.

- Қайдам, берармикан? - У у бўйича мушкул бир мажбурият юкланишини ҳис қилиб, хотинига нажот билан қаради.

- Ҳа, албатта бермайди-да! Сиз ўлгуде забон бормиди! Худо тил улашайтгандаям шалайиб юргансиз. Қирқ йилдан бери на ёмғир, на ҳазирма дейсиз. Ана, кеча ўлгингиз: «Нима, битта отамизни боқолмай қолибмизми?» - деди. Тилла бордай чопаверасиз; чопаверасиз. Айтинг, «Битта машинага ҳаддим оймайдими, кўп эмас, икки соатгагина бериб туриринг», дег. «Сомон йидоқ жойда қолиб кетпти», дег. У отинг нўхтасини солиб, машаққат билан эгарга минди.

- Чўп! Кўнада сигирлар майрар, молларини подага қўйгани

чиққан хотинлар бир-бирларига гап бермай, жаврашарди. Қўшини дўпписини қоққанча хотинлар орасини ёриб, унга пешвоз чиқди.

- Э, асалому алайкум, Шариф бува!  
 - Ва алайкум...  
 - Йўл бўлсин!  
 - Шу, далага, - Абдурахим ҳар тонг унга рўпара чиқиб, шу зайлда саволлар беради.  
 - Қуринмайсиз?  
 - Юрибман.

Чолнинг дикайган сап-сарик қошларига, оппоқ соқолига, бир қарорга келолмаганлиги сезилиб турган қўшиқ кўзларига назар соларкан, Абдурахимнинг энсаси қотди.

- Э, қанака одам экансиз ўзингиз ҳам...  
 - Оти жадаллатди.  
 - Қани эди, ҳозир шу раиснинг олдида кириш деган ташвиш бўлмас! Отининг бошини тўри далага қўйди. Илгари бригадирлар бақирок бўлгучи эди, ҳозир

Жонивор ҳам роса зерикди. Бир пайт дарвоза олдида брезент қопланган машина келиб тўхтади. Раиснинг «луксавойи» - яхши танийди. Югуриб борди.

Юрак қўргунинг қариганда тегишича бало борми.  
 - Асса...тўхтанг, раис...  
 - Раис бир зум тўхтаб, унга тикилди.  
 - Ҳа, ота, кабинет бор. Уша ерда дам олиб ўтирсангиз ҳам бўларди.  
 - У хижолат бўлиб ерга қаради. Дилига боятдан бери туккан гапини айтишга оғиз жуфтлади.  
 - Энди, ука, ўзим қирқ йилдан бери ишлайман...  
 - Нима, пенсиями? - деди раис овози гулдабери.  
 - Неча йилдан бери...  
 - Пулми, ахир? - дед сўради раис бетоқат бўлиб.  
 - Йўғ-э, пенсия, ойлик...  
 - Етиб турибди.  
 - Нима керак бўлмас? - Раис битта мошина керак. Сомони...  
 - Машина? - Раиснинг бир қоши кўтарилди. - Урим вақтида-я!

У нима деярини билмай қолди.

Шу пайт ичкаридан бир қиз югуриб чиқди:  
 - Мардон ака, хайрият, келаятган экансиз. Боядан бери сўрабгана.  
 - Раис, кўп эмас, икки соатга...  
 - Йўқ, ота, бир минутга-ям... - дед раис шошганича идорага йўл олди.  
 - Бўлди, раисни қуттиш керак эди - кутди. Машинани сўради. Энди жўнаш керак. От жонивор ҳам исқиде қолиб кетди.  
 - У оғир юкдан кўтулгандай енгил нафас олди.

Маъсума АХМЕДОВА

**ISHONCH**

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Таҳрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар булими 56-85-43; Реклама ва эълонлар булими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00  
 Топширилди - 21.10

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамда гувоҳнома берилган. IBM компьютернида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичимин А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаханасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.